NY-04/21 об 6 06.22 / 308 ...

8a

**Лойиҳа-смета ишларини бажариш учун**
**35/22-сонли ШАРТНОМА**

**Тошкент ш.** **"5" 08 2022 йил**

Ушбу шартнома биринчи томондан **"Буюртмачи"** деб юритиладиган **"YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ** номидан Устав асосида иш юритувчи Бош директори в.б **Г.Ф.Мухуддинов** иккинчи томондан кейинги ўринларда **"Бажарувчи"** деб юритиладиган **"QO'QON YO'L LOYIHA"MCHJ** номидан низоми асосида иш кўрадиган директор **Д.Нурматов** "YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖнинг товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи танлов комиссияси йиғилишининг 2022 йил "04" Августдаги "127305-сонли баёнига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

**1.Шартнома предмети**

1.1.Буюртмачи Бажарувчини "Фаргона Минтакавий Йулларга Буюртмачи Хизмати" ДУК билан 2022 йил 06-Июлдаги 4-04/21-сонли Бош шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган **Фарғона шахар Мустакиллик кучаси объектини дала-кидирув ишларини(геология) бажариш** объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини бажариш учун ёрдамчи лойиҳачи сифатида жалб қилади.

1.2. Буюртмачи Бажарувчига **Фарғона шахар Мустакиллик кучаси объектини дала-кидирув ишларини(геология) бажариш** топширади, Бажарувчи эса ўз зиммасига олади.

1.3. Бажариладиган ишлар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган техник топшириққа асосан амалга оширилади.

1.4. Ишларнинг тугалланиш вақти аванс маблағи молиялаштирилган кундан бошланиб, 15 кун муддатда тугатилади.

1.5. Бажарувчи лойиханинг экспертиза хулосасини олгандан сўнг 10 кун ичида 3 (уч) нусхада лойиха хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

**2.Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари**

2.1. Ишларни амалга оширишнинг баҳоси 1-иловадаги шартнома баҳосини келишув баённомасига асосан ҚҚС сиз **20 000 000(Йигирма миллион)** сўмни ташкил қилади. Шундан 3,36% - 672 000(Олти юз етмиш икки минг)сўм ККС билан, бош лойиҳачи хизмати харажатлари (Техник кенгашлар ўтказиш, асосий техник ечимларни қабул қилиш, банк харажатлари ва бошкалар).

2.2. Буюртмачи ушбу объект бўйича "Фаргона Минтакавий Йулларга Буюртмачи Хизмати" ДУК дан аванс миқдори келиб тушгандан сўнг, шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи ва Бажарувчи томонидан расмийлаштирилган далолатномалар асосида ажратилган аванс маблағи миқдори ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.4. Ишлар Бажарувчи томонидан тўлиқ бажарилиб, асосий Буюртмачи томонидан топшириш далолатномаси расмийлаштирилгандан сунгва асосий Буюртмачи томонидан бош шартнома бўйича бажарилган ишлар учун 70 фоиз молиялаштириш амалга оширилгандан кейин Буюртмачи Бажарувчига жами ишлар 70 фоизини тўлаб беради.

2.5. Шартноманинг 2.1-2.4-бандларида кўрсатилган молиялаштириш муддатлари ва тартиби "Фаргона Минтакавий Йулларга Буюртмачи Хизмати" ДУК билан тузилган шартнома бўйича маблағ келиб тушиши муддатлари ва тартибига қараб, Буюртмачи томонидан бир томонлама ўзгартирилиши мумкин ва бу ҳақида Буюртмачи Бажарувчини хабардор қилиши шарт эмас.

2.6. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.7. Экспертиза хулосаси олингандан сўнг шартноманинг умумий қиймати экспертиза томонидан тавсия этилган объектнинг қурилиш нархига асосланган ва буюртмачи билан келишилган холда қайта кўриб чиқилиши мумкин, бунда объектнинг лойиҳа хужжатлари тайёрлаш ишлари учун қўшимча шартнома имзоланади.

2.8. Бош лойихачи харажатларини коплаш, шартнома кийматининг бажарилган кисмига мутаносиб равишда, Буюртмачи томонидан такдим этилган хисоб фактура асосида, Бажарувчи томонидан тулов асосида амалга оширилади.

## 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Бажарувчи ишларни техник топшириқ, бошқа дастлабки маълумотлар ва келишилган график асосида вақтида бажаришни "Фаргона Минтакавий Йулларга Буюртмачи Хизмати" ДУК билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишишни ўз зиммасига олади.

3.2. Буюртмачи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачи тайёрланган лойиҳа хужжатларининг ёки бажарилган кидирув ишларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учунчи шахс томонидан буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга Бажарувчини жалб қилади ва Бажарувчи ўзи томонидан бажарилган ишларнинг камчилиги учун ўзи жавобгар бўлади.

3.4. Бажарувчи Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиққандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.5. Бажарувчи лойиҳа ва қидирув ишларини бажариш учун топшириқдаги ва бошқа дастлабки маълумотлардаги талабларга риоя қилиши шарт ва буюртмачининг розилиги билангина улардан четга чиқишга ҳақли. Бажарувчи ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ бажариши; тайёр бўлган лойиҳа хужжатларини буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек; тайёр бўлган лойиҳа ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада белгиланган муддатларда буюртмачига топшириши; буюртмачининг розилигисиз лойиҳа ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

3.6. Бажарувчи лойиҳа ҳужжатлари ва қидирув ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.(кафолат муддати 10 йил).

Лойиҳа хужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариш, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт.

3.7. Бажарувчи, Буюртмачи томонидан такдим этилган хисоб фактура асосида, 3 банк куни муддатида, Бош лойихачи хизмати сарф харажатларини коплаш хисобидан туловларни амалга оширади.

## 4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш техник топшириқ талабларига биноан белгиланади.

4.2. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан хужжатлар тўпламини топширади.

4.3. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар тўпламини топширади. Бажарувчи томонидан Буюртмачига топширилаётган ҳужжатлар тўплами "Фаргона Минтакавий Йулларга Буюртмачи Хизмати" ДУК нинг тегишли ходимлари

томонидан маъқулланиб, имзоланган бўлиши шарт, акс ҳолда Буюртмачи ҳужжатлар тўплами ва ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилмасликка ҳақлидир.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса ва бу ҳақида "Фарғона Минтақавий Йўлларга Буюртмачи Хизмати" ДУК Буюртмачини ёхуд Бажарувчини хабардор қилса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши Бажарувчи учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хулоса учун мурожат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

## 5.Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш

5.1. Ишлар бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. Низоларни хал этиш

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал қилинади.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1. Бажарувчи лойиҳани муддатидан олдин бажарган ҳолда, Буюртмачи уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўловни "Фарғона Минтақавий Йўлларга Буюртмачи Хизмати" ДУК томонидан бош шартнома бўйича бажарилган ишлар молиялаштириш амалга оширилгандан кейин амалга оширади.

7.2. Ўзаро мулоқат йўли билан ҳал қилинмаган муаммолар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда ҳал қилинади.

7.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7.4. Бажарувчи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажариш учун Буюртмачи билан келишган ҳолда учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда қонунда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.6. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилганда мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.7. Бажарувчи томонидан лойиҳани тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

7.8. Агар "Фарғона Минтақавий Йўлларга Буюртмачи Хизмати" ДУК томонидан бош шартнома бўйича Буюртмачига неустойка ёки зарарни қоплаш ҳисобланса, Бажарувчи мазкур

неустойка ва зарарни Буюртмачига унинг тегишли хатини олгандан сўнг 7 (етти) кунлик муддатда тўлаб бериши шарт.

7.9. Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблаглар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса ёхуд мазкур шартнома предмети бўйича “Фаргона Минтакавий Йўлларга Буюртмачи Хизмати” ДУК томонидан бош шартнома бўйича Буюртмачига ҳисобланган неустойка ёхуд зарарни тўлаб бермаса, Буюртмачи ушбу маблагларни Бажарувчини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

7.10. Тўланган пеня ёки жарималар томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

7.11. Ушбушартномаўзбектилидаиккинусхадатузилди.

7.12 Шартнома тарафлар томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

7.13. Шартномагақуйидагилариловақилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1-илова);
- Шартнома юзасидан жавобгарлик бўйича томонларнинг келишуви (2-илова)
- Ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвали (3-илова);

**8.Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари**

| **Буюртмачи** | **“Бажарувчи ”** |
|---|---|
| **"YO’L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ** | **”QO’QON YO’L LOYIHA ”MCHJ** |
| Тошкент шахар, М.Улуғбек тумани<br>Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,<br>Тел:237-38-55, 237-36-69<br>Ҳ/р: 20208000804010941001<br>АТИБ “Ипотека-банк”<br>Яшнобод бўлими<br>МФО 00959 ИНН 300 112 785<br>ОКОНХ 66000 ОКЭД: 71110 | Кукон шахар,А.Т.Хукандий 46 Б/1<br>Х/Р 20208000700452877001<br>“Invest finance bank” Кукон филиали.<br>ИНН 303275787 МФО 01116<br>ОКОНХ 66000<br>+99893-001-45-00 |
| **Бош Директори в.б**<br>_____________ **Г.Ф.Мухуддинов** | **Директор** _____________ **Д.Нурматов** |

2022йил «_5_»_08_________ даги
35/22–сонли шартномага 1 - илова

**Шартнома баҳосини келишуви**

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Биз, куйида имзо қўювчилар: **Фарғона шахар Мустакиллик кучаси объектини дала-кидирув ишларини(геология) бажариш** бўйича 2022йил " ____" _______даги 35/22-сонли шартнома баҳоси **ҚҚС сиз 20 000 000(Йигирма миллион) сўмни** ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб–китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

**"Буюртмачи"**
**"YO'L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ**

Тошкент шахар, М.Улуғбек тумани
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,
Тел:237-38-55, 237-36-69
Ҳ/р: 20208000804010941001
АТИБ "Ипотека-банк"
Яшнобод бўлими
МФО 00959 ИНН 300 112 785
ОКОНХ 66000 ОКЭД: 71110

**"Бажарувчи "**
**"QO'QON YO'L LOYIHA "MCHJ**

Кукон шахар,А.Т.Хукандий 46 Б/1
Х/Р 20208000700452877001
"Invest finance bank" Кукон филиали.
ИНН 303275787 МФО 01116
ОКОНХ 66000
+99893-001-45-00

**Бош Директори в.б**
________________ **Т.Ф.Мухуддинов**

**Директор** ________________ **Д.Нурматов**

2022- йил «__5__»__08__даги
35/22- сонли шартномага 2 - илова

**Шартнома юзасидан жавобгарлик бўйича томонларнинг келишуви**

Биз, куйида имзо қўювчилар: **Фарғона шахар Мустакиллик кучаси объектини дала-кидирув ишларини(геология) бажариш** бўйича шартнома юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг **634-моддаси 5 қисми, 241-моддасига асосан (Мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш)**, шартномадан келиб чиққан мажбуриятни тўла ҳажмда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек агар учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидасидан келиб чиққан ҳолда, **шартнома бўйича бажарилган ишлар, камчиликлар билан бажарилган ишлар ва бошқа барча ҳолатлар юзасидан жавобгарлик тўлиқ Бажарувчи зиммасига юкланади.**

**“Буюртмачи”**

**"YO’L-LOYIHA BYUROSI" МЧЖ**

Тошкент шахар, М.Улуғбек тумани
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 68-уй,
Тел:237-38-55, 237-36-69
Ҳ/р: 20208000804010941001
АТИБ “Ипотека-банк”
Яшнобод бўлими
МФО 00959,ИНН 300 112 785
ОКОНХ 66000,ОКЭД: 71110

**Бош Директори в.б**

**______________Г.Ф.Мухуддинов**

**“Бажарувчи ”**

**”QO’QON YO’L LOYIHA ”MCHJ**

Кукон шахар,А.Т.Хукандий 46 Б/1

Х/Р 20208000700452877001

“Invest finance bank” Кукон филиали.

ИНН 303275787 МФО 01116

ОКОНХ 66000

+99893-001-45-00

**Директор______________Д.Нурматов**

2022 йил "5" 08 даги
35/22-сонли шартномага
3-илова

**Фарғона шахар Мустакиллик кучаси объектини дала-кидирув ишларини(геология) бажариш ишларини бажариш**

## БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

*минг сўм*

| № | Бажариладиган ишларнинг номи | Қиймати | Бажариш муддати | Молиялаштириш муддати |
|---|---|---|---|---|
| | | | 2022йил | 2022йил |
| | *аванс микдори* | | | *6000,0* |
| *1* | **Фарғона шахар Мустакиллик кучаси объектини дала-кидирув ишларини(геология) бажариш** | | *15кун* | *14000,0* |
| | ***Жами:*** | | **-** | ***20000,0*** |

**Буюртмачи** ____________

**Бажарувчи** ____________